

# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 26 июль • № 29 (946)

### Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг Б У Й Р У Ф И

2013 йил 17 июль № 232 Тошкент шаҳри

## 2013/2014 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг режасига биноан, шунингдек тиббиётнинг долзарб йўналишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ва талабни эътиборга олиб, вазирлик буюртмасига асосан

#### Б У Ю Р А М А Н:

1. Клиник ординатура орқали мутахассисларни 2013/2014 ўқув йилида тайёрлаш бўйича мутахассисликлар рўйхатини 1-иловага;

олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти бўйича 2013/2014 ўқув йилида клиник ординатурага умумий ва мақсадли тартибда қабул қилинадиган ўринлар режасини 2-иловага;

илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида 2013/2014 ўқув йилида мақсадли клиник ординатурага қабул қилиш режасини 3-иловага мувофиқ;

2013/2014 ўқув йилида клиник ординатура қабули тест ва оғзаки имтиҳон синовларини олий таълим муассасалари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида ташкил этиш жадвалини 4-иловага мувофиқ;

2013/2014 ўқув йилида клиник ординатура қабули бўйича масъул котиблар рўйхати 5-иловага мувофиқ;

олий таълим муассасалари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида клиник ординаторларини «Миллий истиқлол гоёси» фанини ўқитиш учун Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, олий таълим муассасаларига бириктириш жадвали 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 319-сонли қарори билан тасдиқланган «Клиник ординатура тўғрисида»ги Низомга асосан қабул ва ўқиш жараёни амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Клиник ординатурага қабул қилиш тартибига асосан:

- Клиник ординатурага танлов тест ва оғзаки синовлар ёрдамида амалга оширилсин. Тест синовлари баҳолари – 50 %, оғзаки синов баҳолари – 50 % билим кўрсаткичлари деб қабул қилинсин;

- баҳолар йиғиндиси клиник ординатурага кириш максимал баллининг 30 % дан кам бўлган ҳолларда, ушбу врачлар танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 12 июндаги 170-сонли «Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларда тиббий (врачлик) ва фармацевтик мутахассисликлар ва лавозимлар номенклатурасини эгаллаган лавозимга олган маълумотнинг даражаси мослигини инобатга олган ҳолда тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг 1-иловасига асосан клиник ординатура орқали мутахассисларни 2013/2014 ўқув йилида тайёрлаш 1-иловада келтирилган мутахассисликлар рўйхати асосида амалга оширилсин;

- 1-иловада келтирилган мутахассисликлар рўйхати асосида буйруқда кўрсатилмаган мутахассисликлар бўйича қабул

(Давоми 4-бетда).

### Юртимиз шифохоналарида



Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказида замонавий аппаратуралар ёрдамида халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда

### Соғломлаштириш ҳафталиги: Тошкент вилояти

## ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ ВА ҒАМХЎРЛИК

### аҳоли саломатлигининг бош омили

Қарийб беш йилдирки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Соғломлаштириш ҳафталиги»нинг мунтазам тарзда олиб борилаётганлиги оналар ва болалар саломатлигини янада мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги 1096-сонли «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғи ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар ойда «Фертил ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиги» кенг миқёсда ўтказиб келинмоқда.

Шу ўринда ушбу тадбир тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтишни жоиз деб билдик. 2009 йилдан то шу кунга қадар мазкур жараёнда вазирлик томонидан тавсия этилган етакчи клиникаларнинг малакали шифокорлари (акушер-гинеколог, педиатр, УТТ мутахассиси, терапевт) қатнашмоқдалар.

Мамлакатимиз Президенти томонидан эълон қилинган Обод турмуш йили муносабати билан жорий йилнинг январь ойидан бошлаб ҳафталик янада кенг миқёсда ўтказиш мақсадида ўнга яқин турли йўналишдаги мутахассислар иштирокида 3 босқичда олиб борилаётганлиги ижобий натижалар бермоқда. Яна шуни алоҳида

таъкидлаш лозимки, 1-босқичда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти, ОИТСга қарши кураш маркази, Республика ихтисослаштирилган пульмонология ва фтизиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари томонидан мактаб, лицей, коллеж ва маҳаллаларда соғлом турмуш тарзи тарғиб қилиниши ҳамда семинар-тренингларнинг ўтказилиши ўсмир ёшлар ўртасида тиббий саводхонликни ошириш, юқумли ва ижтимоий касалликларнинг олдини олишда асосий ўринга эга бўлмоқда. Иккинчи босқичда эса худудлар кесимидаги мутахассислар соғломлаштириш ҳафталигини олиб боришса, учинчи босқичда эса республика миқёсида

пойтахтимиздаги юқори малакали профессорлар фертил ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва болалар саломатлигини чуқур тиббий кўриқдан ўтказиб, керакли маслаҳатларини бериб борадилар. Мақсад, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келиши, унинг замирида эса мустаҳкам оилани шакллантиришдан иборатдир. 22 июлдан 27 июлгача республика миқёсида пойтахтимизнинг етакчи клиникалари ҳамда жойлардаги тиббиёт муассасаларининг юқори малакали мутахассислари фертил ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва болалар саломатлигини текширувдан ўтказмоқдалар.

Куни кеча ушбу фаолиятлар билан танишиш мақсадида Тошкент вилояти Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Маданият», «Гулистон» каби қатор қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда Сирдарё вилояти Сайхунбод туман тиббиёт бирлашмасининг «Намуна», «Гулистон», «Ғалаба» қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, асосан аҳоли ва мутахассисларнинг фикрлари билан ўртоқлашдик.

(Давоми 2-бетда).

## Соғломлаштириш ҳафталиги: Тошкент вилояти

ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ ВА ҒАМХЎРЛИК  
аҳоли саломатлигини сақлашнинг бош омили**Латиф ҚОСИМОВ,**  
Оққўрғон туман тиббиёт  
бирлашмаси хирург,  
тиббиёт фанлари  
номзоди:

– Давлатимиз раҳбарининг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган 1096 ва 1144-сонли Қарорларининг ижроси бўйича тўрт йилдирки, фаолиятлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Шунинг таъкидлаш муҳими, тарғибот ишлари кучайтирилгани боис, аёлларимиз ушбу эътиборнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етмоқдалар. Туман тиббиёт бирлашмаси гинекология бўлимида фертил ёшдаги аёлларни чуқур тиббий кўрик-

дан ўтказиш билан бир қаторда, контрацепция воситалари билан қамраб олиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, ихтиёрий жарроҳлик контрацепция амалиёти лапароскопия аппаратида ҳам муваффақиятли олиб борилмоқда. Ушбу усулни албатта, эр-хотиннинг розилиги орқали амалга ошириб келмоқдамиз. Ўтган йил мобайнида 228 та ИЖК лапароскопия аппаратида бажарилди. Жорий йилнинг шу кунига қадар 97 нафар аёл тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга керакли тавсия ва маслаҳатлар берилди. Айримларида эса контрацепциянинг барча турлари қўлланилди.

**Тозагул АНАЕВА,**  
Оққўрғон шаҳри  
фуқароси:

– 42 ёшдаман. Тўрт фарзандим бор. Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида турмуш ўртоғим билан келишган ҳолда ихтиёрий жарроҳлик контрацепциясига рози бўлдим. Айниқса, лапароскопия аппаратида олиб борилган амалиёт биринчи навбатда самарали кечса, иккинчидан эса теридан чандиқ ҳолатлари кузатилмайди. Ушбу жараён муваффақиятли ўтганидан мамнунман.

**Дилноза МАРДИҚУЛОВА,**  
уй бекаси:

– Айниқса, пойтахтдан келган ҳар бир соҳа мутахассисининг муомала-маданияти, тавсия ва маслаҳатлари биз аёлларнинг соғлигимизга бўлган эътиборимизни янада оширмоқда. Тажрибали мутахассис Зилола Рўзметова қабулида бўлганимда саломатлигим учун муҳим маълумотларни олдим ва ўзим учун тегишли контрацепция воситаларидан фойдаланиш аёл саломатлиги учун зарур эканлигини яна бор англаб етдим.

**Зилола РЎЗМЕТОВА,**  
Республика  
ихтисослаштирилган  
акушерлик ва гинекология  
илмий-амалий тиббиёт  
маркази врач-гинекологи:

– Мана тўрт йилдирки, республика миқёсида саломатлик ҳафталиги мунтазам тарзда ўтказиб келинаётганлиги соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келишида асосий ўринга эга бўлмоқда. Натижаларга қараганда, аёллар ўртасида экстрагенитал касалликлар камайиб бормоқда.

Икки кундирки, қишлоқ врачлик пунктида 96 нафар фертил ёшдаги аёлларни чуқур тиббий кўриқдан ўтказиб, зарурий тавсия ва маслаҳатларни бердик. Шу жумладан, 5 нафар аёл оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, ихтиёрий жарроҳлик контрацепциясидан фойдаланиш истагини билдирди. Қувонарлиси шундаки, аёлларимизнинг ўз саломатликларига бўлган эътибори ҳамда давлатимиз томонидан кўрсатилаётган имкониятлардан мамнунликлари кўриниб турибди.



## «Гулистон» ҚВП

**Лола ТЎЛАГАНОВА,**  
Тошкент шаҳридаги  
30-оилавий поликлиника  
гинекологи:

– «Гулистон» ҚВП ҳудудида истиқомат қилувчи 106 нафар фертил ёшдаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш чоғида жиддий касалликлар учрамади. Яна бир нарсасига амин бўлдимки, тарғибот ишлари кучайтирилгани боис, аёллардаги тиббий саводхонлик яхши эканлиги кўриниб турибди.

Шунингдек, оила аъзоларининг соғлом турмуш тарзига амал қилаётганлиги боис, аёлларда хавfli касалликлар қайд қилинмади.

Қабулимда фақатгина соғлигидан шикоят билан эмас, балки саломатлигини назорат қилиш мақсадида келганлар ҳам кўпчиликни ташкил этди. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Текширувдан ўтган аёлларнинг аксарияти шифокорларнинг кўрсатмасига асосан контрацепция воситалари билан қамраб олинди.

**Зиёда ЖЎРАБОВА,**  
«Дўстлик» маҳалласи  
фуқароси:

– Биринчи фарзандим айна кунда саккиз ойлик. У дунёга келгунча, шифокорлар назоратида бўлдим. Оллоҳга шукрки, болам соғлом. Пойтахтимиздан келган малакали шифокорларни эшитиб, саломатлигимни текширувдан ўтказишга келдим. Туғруқдан сўнг контрацепция воситаси (БИФ)дан фойдаланган эдим. Уни УЗИ аппаратида кўришиб, соғлигим жойида эканлиги мени қувонтирди.



## «Маданият» ҚВП

**Мунаввар ТУРСУНҚУЛОВА,**  
Маданият қишлоғи  
фуқароси:

– Айни кунда нафақадаман. Аввало, «Маданият» қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ходимларидан жуда мамнунман. Айниқса, уларнинг билимдонлиги, хушмуомала ва меҳрибонлиги дардларга малҳам бўлмоқда. Кундузги стационарда даво муолажаларини олиб кетяпман. Айниқса, ҚВП мудираси Нилуфар Баркашбаева ҳамда ўз касбининг моҳир устаси ҳамшира Сурайё Жўраеванинг хизматларидан жуда мамнунман. Аввало, бундай ғамхўрлик учун Юртбошимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига раҳмат деб қоламан.

**Райҳон ЖЎРАЕВА,**  
Оққўрғон туман кўп тармоқли марказий  
поликлиника УЗИ врачлари:


– Мазкур «Маданият» қишлоқ врачлик пункти ҳудудида 9536 нафар аҳоли истиқомат қилади. Икки кун давомида уларнинг кўпчилик қисмини УЗИ аппарати ёрдамида тиббий кўриқдан ўтказдим. Айниқса, 109 нафар фертил ёшдаги аёлларда кечадиган экстрагенитал касалликларни диққат билан текширдим. Шунинг алоҳида таъкидлашим лозимки, ўтган йилларга қараганда аёлларда жиддий касалликлар кузатилмади. Акушер-гинеколог Дилора Тастанова билан ҳамкорликда ўтказилган кўрик давомида аёлларга контрацепция воситалари афзалликлари, шунингдек, соғликлари учун ўз вақтида шифокор назоратида бўлишлари ҳамда турли касалликлар тўғрисида керакли тавсияларни бердик. Бундан ташқари, айрим аёлларда исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш бўйича ўз хоҳишларига кўра ИЖКдан фойдаланиш муҳимлигини тушунтирдик.



кур текширувдан ўтказдим. Жумладан, 30 нафар бола саломатлиги кузатилганда, уларда жиддий касалликлар йўқлиги аниқланди. Айримларида ушбу хасталикнинг белгилари бўлиб, уларнинг ота-оналарига керакли маслаҳатлар бердим. Ана шундай соғломлаштириш ҳафталиги ўтказилаётганлиги айна мўддао бўлмоқда. Болаларнинг саломатлигини тиклашда жойлардаги мутахассисларга амалий ёрдам бераётганлигимизнинг ўзи ҳам бу борадаги тажрибаларимиз ошишида имкон яратмоқда.

**Ибодат СОАТОВА,**  
Муаллиф олган суратлар.

(Газетанинг кейинги сонидан Сирдарё вилоятида олиб борилган «Соғломлаштириш ҳафталиги» тўғрисидаги фаолиятлар билан танишасиз).

**Шахло САИДАЗИЗОВА,**  
Тошкент врачлар малакасини ошириш  
институтининг болалар асаб касалликлари  
кафедраси шифокори:

– «Фертил ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиги» ташкил этилганлиги болаларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этаётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўтган йиллар давомида ушбу тадбирда иштирок этиб, ёш болалар саломатлигини текширганимда уларда кечаётган касалликлар бўйича ота-оналарга керакли маслаҳат ва муолажаларимни тавсия қилган эдим. Бу йилги ҳафталикда Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «Гулистон» қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган болаларни асаб касалликлари бўйича чу-

# Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг Б У Й Р У Ф И

2013 йил 17 июль

№ 232

Тошкент шаҳри

## 2013/2014 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш тўғрисида

жараёнидаги вазият асосида муассасалар таклифи асосида вазирлик рухсат бериши инobatга олинсин.

5. Клиник ординатура қабули эълонини оммавий ахборот воситалари орқали чоп этиш "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана" газетаси (И. Соатова) ва интернет тармоғи орқали ёритиш Электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш Uzmedinfo марказига (М. В. Боймухамедов) юклатилсин.

6. Тиббиёт олий таълим муассасалари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорлари, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиаллари, илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, уларнинг филиаллари директорларига:

- Клиник ординатурага қабул оммавий ахборот воситаларида танлов эълон қилинган кундан бошлаб, жорий йилнинг 20 августигача (шу куни ҳам) амалга оширилсин;

- қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумот жорий йилнинг 23 августига қадар ўрнатилган тартибда Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармасига топширилсин (шакл илова қилинади);

- клиник ординатурага қабул жорий йилнинг 10 сентябрига қадар таъминлансин;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва

вилоятлар квотаси бўйича берилган мақсадли ўринларга танлов ҳар бир вилоят учун алоҳида ташкил этилсин ва ажратилган ўринларга ушбу регионларда яшовчи ёки бошқа вилоятларда ишлаш истагини билдирган врачлар қабул қилинсин;

- илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари учун клиник ординатурага берилган ўринларга танловда иштирок этувчи врачларга танловнинг тест синовлари 5-иловада бириктирилган тартибда ташкил этилсин. Ушбу тест синовлари бепул ўтказилсин;

- Клиник ординатурага қабул қилиш режаси бажарганлиги тўғрисидаги ҳисобот жорий йилнинг 14 сентябригача Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармасига топширилсин;

- Клиник ординатурага кириш учун танловда иштирок этувчи ҳар бир врачга унинг ҳужжатлари қабул қилинганлиги ва имтиҳон синовлари муддати кўрсатилган маълумотнома қабул комиссияси томонидан берилсин;

- Клиник ординатурада 2013/2014 ўқув йили қабули бўйича ўқув жараёни жорий йилнинг 12 сентябридан бошлансин;

- ОТМ битирувчиларини клиник ординатурага қабул қилган ҳар бир муассаса уларни ишга жойлашиш мониторингини таъминлаш мақсадида, улар билан тузилган "Уч томонлама шартнома" нусхасини ва битирувчиларга ОТМ томонидан тақдим этилган "Ишга қабул қилинганлик тўғрисидаги йўлланма"ни тўлдириб, улар

битириган олий таълим муассасасига тақдим этсин;

- Клиник ординатуранинг тугатган ҳар бир мутахассисни ишга жойлашиш мониторингини таъминлаш мақсадида, улар тўғрисидаги маълумот Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларига тақдим этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда барча вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига:

- ажратилган квота доирасида, туманлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, врачларни танловда иштирок этиши учун жалб этиш юклатилсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. А. Худаяров билан ҳамкорликда Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Ў. С. Исмаиловга:

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун клиник ординатурага ажратилган ўринлар тўлдирилмаса, уларни регионал квота доирасида қайта тақсимлаш юклатилсин;

- Тошкент шаҳрида танловдан ўтган врачлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, илмий ва ихтисослаштирилган марказлар филиалларида ўқиш розилигини билдирган ҳолда, уларни вилоят квотаси доирасида юбориш юклатилсин;

- олий таълим муассасалари, илмий-

текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари эҳтиёжидан келиб чиқиб, клиник ординатура қабулига киритган асосланган таклифлари кўриб чиқилсин ва кўшимча ўринлар ажратиш назарда тутилсин.

9. Иқтисодиёт, маблағ билан таъминлаш ва истиқболни аниқлаш Бош бошқармасига (Б. А. Хашимов):

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 2013/2014 ўқув йилида клиник ординаторларни тайёрлаш бир йиллик ўқитиш қиймати ҳисоб-китоблари жорий йилнинг 1 августига қадар ишлаб чиқилсин;

- олий таълим муассасалари, илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидаги клиник ординаторлар учун "Миллий истиқлол ғояси" фанини икки йил мобайнида умумий 108 соат ўқитиш учун сарф-харажатлари ҳисоб-китоби ишлаб чиқилсин ва маблағ билан таъминлаш юклатилсин.

10. Белгилаб қўйилсинки клиник ординатуранинг тугатган врачлар мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлигини тасдиқловчи меҳнат дафтарчасини тақдим этганларидан сўнг уларга гувоҳнома берилсин.

11. Ушбу буйруқнинг ижро назорати Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. А. Худаяровга юклатилсин.

Вазир **А. АЛИМОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2013 йил 17 июлдаги 232-сонли буйруғига 1-илова

### Клиник ординатура орқали 2013/2014 ўқув йилида мутахассисларни тайёрлаш бўйича мутахассисликлар рўйхати

№	Шўрчақилмавлар	Тошкент тиббиёт институти											
		Жанс	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	
1	Анестезиология ва реаниматология												
2	Анестезиология ва реаниматология												
3	Ички касалликлар (шарҳи)												
4	Кардиология												
5	Гастроэнтерология												
6	Дерматовенерология (шарҳи, тавонли касалликлар)												
7	Юртак касалликлари												
8	Неврология (асаб касалликлари)												
9	Патология анатомия												
10	Психиатрия												
11	Клиник радиология												
12	Нейрохирургия												
13	Умумий анатомия												
14	Оториноларингология												
15	Офтальмология												
16	Реабилитология (далола, физиотерапия ва спорт тиббиёти, ортопедия, фелетотерапия)												
17	Суд тиббиёт экспертизаси												
18	Травмотология ва ортопедия												
19	Урология												
20	Физиотерапия												
21	Илмий хирургия												
22	Эндокринология												
23	Болалар анестезиология ва реаниматологияси												
24	Болалар омуғли касалликлари												
25	Болалар ва ўсмир кўлар гинекологияси												
26	Болалар хирургияси												
27	Болалар неврологияси												
28	Нефология												
29	Лаборатория анал												
30	Болалар тарбиялик стоматологияси												
31	Травмотология												
32	Ортопедия, стоматология												
33	Варидия стоматологияси (шарҳи)												
34	Ортопедия												
35	Кўз-шифохонаси												
36	Неврология												
37	Педиатрия												
38	Неонатология												
39	Ревматология												
40	Анестезиология ва реаниматология												
41	Тиббий психология												
42	Эпидемиология												
43	Касб касалликлари												

Тошкент тиббиёт институти

№	Шўрчақилмавлар	Тошкент тиббиёт институти											
		Жанс	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	
1	Неонатология	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10
2	Неврология	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10
3	Гастроэнтерология	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10
4	Эндокринология	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10

(Давоми. Боши 1-бетда).

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2013 йил 17 июлдаги 232-сонли буйруғига 2-илова

### Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти бўйича 2013/2014 ўқув йилида клиник ординатурага умумий ва мақсадли тартибда қабул қилинадиган ўринлар режаси

№	Шўрчақилмавлар	Тошкент тиббиёт институти											
		Жанс	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	
1	Анестезиология ва реаниматология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
2	Анестезиология ва реаниматология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
3	Ички касалликлар (шарҳи)	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
4	Кардиология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
5	Гастроэнтерология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Дерматовенерология (шарҳи, тавонли касалликлар)	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
7	Неврология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
8	Клиник радиология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
9	Нейрохирургия	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
10	Умумий анатомия	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
11	Оториноларингология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
12	Травмотология ва ортопедия	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
13	Урология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
14	Физиотерапия	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
15	Болалар анестезиологияси	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
16	Болалар омуғли касалликлари	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
17	Реабилитология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
18	Неврология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
19	Гастроэнтерология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
20	Юртак касалликлари	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
21	Психиатрия	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
22	Офтальмология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
23	Тиббий психология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
24	Эпидемиология	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Жанс		148	148	148	148	148	148	148	148	148	148	148	148



# Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг Б У Й Р У Ф И

2013 йил 17 июль

№ 232

Тошкент шаҳри

## 2013/2014 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш тўғрисида

№	Мутахассислик	Жами	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К
15	Травматология ва ортопедия	8																
16	Остеопатия	7																
17	Физиотерапия	5	5															
18	Умумий хирургия	19																
19	Эндокринология	1																
20	Терапевтика (интерналистика)	19																
21	Бўғимлар ортопедияси	8																
22	Биринчи одамларнинг (инан) (физик)	19																
23	Юрак хирургияси	4																
24	Наркология	8	8															
25	Болаларнинг каришлари	7	7															
26	Болалар ва ўсимир-кинолар неврологияси	3																
27	Болалар хирургияси	12																
28	Болалар неврологияси ва психиатрияси	12																
29	Лаборатория иши	12																
30	Оптика	12																
31	Пульмонология	12																
32	Неврология	12																
33	Рентгенология	12																
34	Эндокринология	4	1															
35	Анестезиология ва реаниматология	4	1															
<b>Жами:</b>		<b>225</b>	<b>40</b>	<b>102</b>	<b>5</b>	<b>164</b>	<b>9</b>	<b>38</b>	<b>12</b>	<b>34</b>	<b>10</b>	<b>34</b>	<b>18</b>	<b>26</b>	<b>0</b>	<b>18</b>	<b>18</b>	<b>18</b>

№	Мутахассисликлар	Самарқанд давлат тиббиёт институти																	
		Жами	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К							
1	Акушерлик ва гинекология	18																	
2	Анестезиология ва реаниматология	8																	
3	Ички касалликлар (терапия)	8																	
4	Урология	8																	
5	Дерматовенерология	4																	
6	Бўғим касалликлари	8																	
7	Неврология	8																	
8	Педиатрия	8																	
9	Клиник радиология	8																	
10	Нейрохирургия	4																	
11	Умумий анестезиология	4																	
12	Умумий анестезиология ва реаниматология	4																	
13	Лаборатория иши	4																	
14	Оптика	4																	
15	Умумий хирургия	4																	
16	Эндокринология	3																	
17	Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси	3																	
18	Болалар ва ўсимир-кинолар неврологияси	3																	
19	Болалар ва ўсимир-кинолар неврологияси	2																	
20	Болалар хирургияси	2																	
21	Болалар неврологияси	2																	
22	Педиатрия	2																	
23	Травматология ва ортопедия	2																	
24	Лаборатория иши	2																	
25	Клиник радиология	2																	
26	Юрак хирургияси	4																	
27	Наркология	8																	
28	Пульмонология	3																	
29	Неврология	4																	
30	Рентгенология	3																	
<b>Жами:</b>		<b>155</b>	<b>18</b>	<b>128</b>	<b>16</b>	<b>9</b>	<b>19</b>	<b>7</b>	<b>19</b>	<b>6</b>	<b>3</b>	<b>30</b>	<b>4</b>	<b>6</b>					

№	Мутахассисликлар	Авганистон давлат тиббиёт институти																	
		Жами	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К							
1	Акушерлик ва гинекология	5																	
2	Болалар ва ўсимир-кинолар неврологияси	3																	
3	Умумий радиология	8																	
4	Оториноларингология	5																	
5	Ички касалликлар (терапия)	8																	
6	Кардиология	8																	
7	Офтальмология	5																	
8	Педиатрия	8																	
9	Наркология	8																	
10	Клиник касалликлар дерматовенерология	5																	
11	Рентгенология (авганистон давлат тиббиёт институти ва спорт тиббиёти, кардиология, фелюлария)	8																	
12	Неврология	8																	
13	Болалар неврологияси	5																	
14	Сексология	3																	
15	Патология анатомия	8																	
16	Педиатрия	8																	
17	Клиник радиология	8																	
18	Травматология ва ортопедия	3																	
19	Спорт тиббиёт институти	8																	
20	Физиотерапия	8																	
21	Умумий хирургия	5																	
22	Нейрохирургия	3																	
23	Гематология	8																	
24	Урология	8																	
25	Вакциналар	3																	
26	Анестезиология ва реаниматология	5																	
27	Анестезиология ва реаниматология	8																	
28	Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси	8																	
29	Наркология	7																	
<b>Жами:</b>		<b>187</b>	<b>44</b>	<b>143</b>	<b>9</b>	<b>33</b>	<b>30</b>	<b>45</b>	<b>15</b>	<b>48</b>									

(Давоми. Боши 1-, 3-4-бетларда).

№	Мутахассисликлар	Қорақалпоғистон Республикаси		
		Жами	Грант	Контракт
1	Акушерлик ва гинекология	4		4
2	Эндокринология	2	1	1
3	Оториноларингология	2		2
4	Кардиология	2		2
5	Юқумли касалликлар	2	2	
6	Гематология	1	1	
7	Физиотерапия	8	3	5
8	Офтальмология	2		2
9	Дерматовенерология	2		2
10	Педиатрия	3	2	1
11	Умумий хирургия	1		1
12	Болалар неврологияси	2		2
13	Неврология	2		2
14	Травматология ва ортопедия	2		2
15	Болалар хирургияси	1		1
16	Нейрохирургия	1		1
17	Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси	3	1	2
18	Ички касалликлар ва (терапия)	2		2
19	Умумий анестезиология	3	1	2
20	Анестезиология ва реаниматология	2		2
21	Неврология	1		1
22	Педиатрия	8	2	6



## Қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасида

АТРОФ-МУҲИТ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОМИЛИ

**Мамлакатимизда халқ фаровонлиги, юрт осойишталигини таъминлаш йўлида кўпгина ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Шу билан бирга, жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро тенг ҳуқуқли, миллат манфаатини кўзлаб турли соҳаларда мустақам алоқалар ўрнатилганки, бу бевосита аҳоли турмуш даражасини яхшилаш имконини бермоқда.**

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларига асосий эътибор қаратилиб, 20 дан ортиқ муҳим қонунлар, юздан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Албатта, мазкур жараёнларда юзага келадиган мураккаб экологик-ҳуқуқий муносабатларни одилона ҳал этиш кўп жиҳатдан соҳага оид қонун ҳужжатларининг ҳолати ва уларни босқичма-босқич такомиллаштирилиши, шунингдек экологик сиёсатнинг барқарор ва муваффақиятли олиб борилишига боғлиқ бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга, қонунлар ижросини марказда ва жойларда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар масъулиятини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга, амалдаги қонунчилик ва давлат дастурларининг жойларда ижроси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга йўналтирилган. Чунки, табиатни асраб-авайлаш, экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнларида юзага келадиган экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қонун ҳужжатларининг роли ва аҳамияти беқиёсдир. Экологик қонунчиликни изчил ва босқичма-босқич ривожлантиришга йўналтирилган давлатнинг экологик сиёсатини самарали олиб бориш ушбу соҳалардаги қонун ҳужжатларининг ҳолатига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусидаги маърузасида ҳам экологик масалаларга урғу берилиб, келажакда «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республика-

си Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати аниқ-равшан белгилаб берилган эди.

Концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органларининг атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш тизимидаги роли ва ўрнини аниқ белгилашга йўналтирилган «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларидан келиб чиққан ҳолда экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш борасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатларини белгилаб беради. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари фаол иштирок этдилар. Ўз навбатида тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар мутахассислари, олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда депутатлар ишчи гуруҳга жалб этилиб, қонун лойиҳасининг концепцияси ва тузилмаси бўйича уларнинг фикр ва мулоҳазалари инобатга олинди.

«Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, экологик масалаларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш, трансчегаравий муаммоларни бартараф этиш орқали миллий манфаатларни ҳимоя қилишни таъминлашга, шунингдек атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига зарар етказилиши хавфини, мамлакатнинг экологик қонунчилигини халқаро ҳуқуқнинг принциплари ва нормаларига уйғунлаштиришга йўналтирилган экологик назорат соҳасидаги Ўзбекис-

тон Республикаси экологик сиёсатининг мазмуни ва асосий йўналишларини аниқлаб беради.

2013 йил 4 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи томонидан киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

«Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тўртта боб ва 34 моддадан иборат. Қонун лойиҳасида экологик назоратнинг турлари, жумладан, давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назорати ҳамда уларни амалга ошириш тартиби ва услублари, тегишли экологик назорат натижаларини рўйбга чиқариш ва расмийлаштириш шакллари, экологик назорат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, махсус ваколатли давлат органлари ваколатлари, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Мазкур қонун лойиҳасининг асосий аҳамияти миллий амалиётга жамоатчилик экологик назорати институти киритилганлигидан иборат. Бунда жамоатчилик экологик назоратининг субъектлари этиб, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар белгиланмоқда. Фуқаролик жамияти институтларига Экоҳаракат билан ҳамкорликда жамоатчи инспекторлар институти шакллантиришда услубий ва ташкилий-амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатлар берилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилган: биринчидан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган устувор вазифа ва йўналишларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилаш, шунингдек уларнинг экология, соғлиқни сақлаш бўйича муҳим Давлат дастурларини ва бошқа муаммоларни ҳал этишда иштирок этишининг ҳуқуқий асосларини яратиш; иккинчидан, давлат ва жамоатчилик экологик назоратининг самарали тизимини яратиш; учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг ижросини таъминлаш ҳамда экология соҳасини тартибга солуви қонун ҳужжатларини та-



комиллаштиришдан иборатдир.

Шу билан биргалликда, атроф-муҳит ифлосланиши, шунингдек фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига хавф солиши мумкин бўлган вазиятларни назорат қилишнинг, аввалдан огоҳлантиришнинг, кузатиб боришнинг самарали тизимини яратиш, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратининг самарадорлигини ошириш, экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли органларнинг назорат фаолиятларини ва ўзаро ҳамкорлик бўйича ташкилий механизмларини такомиллаштиришга ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасига ушбу қонун лойиҳаси юзасидан келиб тушган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиш, умумлаштириш, экспертлар, мутахассислар, олимлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари жалб қилган ҳолда ўрганиб чиқиш ҳамда таҳлил қилишни таъминлаш ва уч ой ичида мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш ҳамда уни Қонунчилик палатасига иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритиш топширилди.

Фикримизга ҳулоса қиладиган бўлсак, республикамизнинг барча аҳолисидан, кенг жамоатчиликдан ушбу Қонун лойиҳаси юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасига йўллашларини сўраган ҳолда ушбу қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар, деган умиддамиз.

**Тоҳир ТОШБОВЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси депутати.

## 101 аҳоли хизматида

## ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҚИЛМАЙЛИК

**Кундалик ҳаётимизни «зангори оловсиз» тасаввур этиш қийин. У энг қулай ёқилги сифатида турмушимизда кенг қўлланилади. Ана шу ёқилгидан тўғри фойдаланиш, хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш ёнғин хавфсизлигини таъминлайди. Акс ҳолда озгина эътиборсизлик оқибатида чиққан ёнғин оилага, давлатга катта моддий зарар етказиши мумкин.**

Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб турдиган керак. Газ, кўмир ёқилгидан печкалар мўриси йилига камида бир марта тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи сабаблардан саналади. Учқун текканда ёниб

кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Лак, бўёқлар, мебеллар, синтетик кийимлар шулар сирасига кирди. Ҳозир кўп қўлланиладиган кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез ёнишдан ташқари кўплаб зарарли моддалар ҳам ажратиб чиқаради.

Ҳозирги кунда ёнғинга қарши кураш, уларнинг олдини олишда замонавий техника воситала-

ри самарали қўлланоқда. Ана шу воситалар орасида ёнғин хавфи ҳақида зудлик билан хабар берувчи хабарлаш воситалари, назорат мосламалари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Европа, Америка қитъасининг кўплаб давлатларида ёнғин хабарлаш воситалари, назорат мосламалари, қабул-назорат асбобларининг замонавий турларини ишлаб чиқарадиган кўплаб корхона, фирма, компаниялар мавқеи юқори туради. Ҳар йили 20 мингдан ортиқ ёнғин содир бўлади, бунинг натижасида миллиардлаб моддий зарар кўриладиган Германия мутахассислари ёнғинга қарши кураш борасида тинимсиз изланмоқдалар. Ҳозирги кунда мазкур давлат ёнғин ха-

барлаш воситалари, назорат мосламалари, ёнғин ўчириш автомобилларини ишлаб чиқариш борасида илғор тажрибаларга эга. Бу давлат хабарловчи воситалари билан нафақат ўз эҳтиёжини, балки жаҳоннинг кўпгина давлатларини таъминламоқда. Республикаимизда ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий ҳамда ўз корхоналаримизда ишлаб чиқариладиган назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларига бўлган талаб юқори. Бу мосламаларни ўрнатиш орқали ёнғин туфайли келадиган моддий ҳамда одамлар ҳаётига, соғлиғига етказиладиган зарарларнинг олдини олиш.

**Фаррух ҲУСАНОВ,**  
Тошкент шаҳар ИИБ ЁХБ  
2-Ҳарбийлаштирилган  
ёнғин хавфсизлиги  
алоҳида пости  
бошлиғи, капитан.

## Обуна – 2013

Ҳурматли муштарийлар!  
«Ўзбекистонда  
соғлиқни сақлаш –  
Здравоохранение

Ўзбекистана» газетасига  
2013 йилнинг иккинчи  
ярим йиллиги учун  
обуна мавсуми давом  
этмоқда.

Азиз тиббиёт ходимлари  
ва муштарийлар!  
Республика тиббиёт  
тизимидан амалга  
оширилаётган ижобий  
ишлар, фаолиятлар ҳамда  
янгиликлардан хабардор  
бўлишни истасангиз  
сеvimли газетангизга  
обуна бўлишни унутманг!  
Нашр индекси: 128.



## ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ АСПЕКТЫ РАЗРАБОТКИ И ВНЕДРЕНИЯ СИСТЕМЫ НАЦИОНАЛЬНЫХ СЧЕТОВ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ (НСЗ)

**В рамках программы оценочной миссии Всемирного банка 11 июля 2013 года в малом зале Министерства здравоохранения Республики Узбекистан состоялся «круглый стол» по внедрению Национальных счетов здравоохранения (НСЗ) в Республике Узбекистан с участием Экспертной комиссии Минздрава по укреплению реформ финансирования и управления сектором здравоохранения, представителей Госкомстата, ВОЗ и проекта «Здоровье-3». На «круглом столе» были представлены результаты апробации разработок НСЗ в пилотных РМО Юнусабадского района г.Ташкента и Зангиатинского района Ташкентской области.**

Проведение апробации разработок НСЗ стало возможным благодаря совместным усилиям Минздрава и Госкомстата.



стным действиям Министерства здравоохранения и Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике, определенных совместным приказом от 18 декабря 2012 г.

Основной целью апробации разработок НСЗ являлась отработка организационных механизмов и методологического инструментария внедрения НСЗ, при необходимости его совершенствование и дополнение. При этом предусматривалось проведение практической оценки на примере учреждений здравоохранения пилотных районов возможности обеспечения единого консолидированного учета данных поступления и расходования бюджетных, внебюджетных финансовых средств на охрану здоровья населения, включая предоставляемые по гуманитарной линии и в рамках технического содействия (гранты) и анализ их использования.

Принимая во внимание, что главным инструментом НСЗ

является выведение расчетных показателей, характеризующих взаимосвязи и взаимозависимости между финансовыми параметрами с одной стороны и объемами и результатами медицинской помощи в период подготовки к апробации, были разработаны сопоставительные аналитические таблицы основных классификационных категорий НСЗ: по источникам финансирования и финансирующим организациям (FS x HF); по финансирующим организациям и поставщикам медицинских услуг (HF x HP); по поставщикам медицинских услуг и статьям расходов (HP x RC); по поставщикам медицинских услуг и функциям (HP x HC); по финансирующим организациям и функциям (HF x HC).

